



ХВФ Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ислох қилиш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди

Жорий йилнинг 4-9 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси раҳбариятидан иборат делегация Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги қароргоҳига ташриф буюрди.

Ташрифдан қўзғалган мақсад – ХВЖ мутахассисларига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги иқтисодий ислохотлар ҳақида объектив маълумот бериш, шунингдек, республика валюта сиёсатини либераллаштириш истиқболлари бўйича фикр алмашишдир.

Халқаро валюта жамғармаси директори Кристин Лагард Ўзбекистон ва ХВЖ ўртасидаги музокараларни юқори баҳолар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига мактуб йўллади. Унда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Мен Сиз ва Сизнинг иқтисодий жамоангиз Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва аҳоли моддий фаровонлигини юксалтириш йўлида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида мамлакат иқтисодиётини ислох этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларингизни астойдил маъқуллайман. Шунини ишонтириб айтаманки, Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирларини биз техник қўллаш ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар бериш орқали тўлиқ қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Бир неча кун аввал Халқаро валюта жамғармаси бош қароргоҳида жамғарма ходимлари билан Сизнинг вакилларингиз валюта сиёсатини ислох қилиш йўллари бўйича дастлабки учрашув ўтказганидан гоят мамнунман. Жамғарма ходимлари бу борадаги ишларни давом эттириш учун яқин орада Тошкентга боришидан хурсандман.

Сизнинг вакилларингиз ва Халқаро валюта жамғармаси ходимлари яқин вақтларда Ўзбекистонда инвестиция муҳитини такомиллаштириш мақсадида бошқа йўналишларда ҳам олиб борилаётган ислохотлар орқали валюта тизимини эркинлаштиришни қўллаб-қувватлашга доир кенг қўламли масалаларни, жумладан, иқтисодий статистикани яхшилаш чора-тадбирларини муҳокама этишига ишонманам. Бу ҳукумат ва инвесторларга асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Жаноб Президент, амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Ўзбекистон улкан натижаларни қўлга киритишига қатъий ишонманам ва биз Сизни бу борада ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни яна бир бор тасдиқлайман.

Самимият билан,

Кристин Лагард,

Халқаро валюта жамғармаси
ижрочи директори.

Кичик бизнесга банк кредитлари

Миллий матбуот марказида «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.



Тadbирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган стратегик вазифалар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада тараққий эттириш, соҳа ривожини йўлидаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, имконият ва имтиёзлар беришда барча ташкилот ва муассасалар қатори банк тизимида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Хусусан, «Агробанк» АТБ-

да муассаса Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган 2017 йилда мамлакатимизда хусусий тadbиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар асосида фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Швейцария Миллий банки раиси Ўзбекистонда бўлди

Швейцария Миллий банки бошқарувчилар Кенгашининг раиси Томас Жордан иқтисодий ҳамкорлик доирасида Тошкентга ташриф буюрди.



Делегация аъзолари Марказий банкка ташрифи чоғида мамлакатимизда-

ги макроиқтисодий вазият ва банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги чора-тадбирлар билан танишдилар.

Музокаралар чоғида меҳмон Ўзбекистоннинг пул-кредит, валюта сиёсатини либераллаштириш борасида кўрилаётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни билдирди.

Жаноб Жордан Ўзбекистон

банклари ассоциациясида Марказий банк ходимлари ва тижорат банклари раҳбарлари учун «Иқтисодий шарт-шароитлар ва Швейцария монетар сиёсати» мавзусида тақдимот маросимини ўтказди.

Меҳмонлар мамлакатимизга сафари давомида Олий Мажлис Сенати раҳбарияти ва ҳукумат аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

Ташриф дастурида меҳмонлар қадимий Бухорога ҳам саёҳат уюштирди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.

Банкларга валютани бозор курсида харид қилиш ва сотишга рухсат берилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 449-сонли қарори жорий йилнинг 10 июлидан бошлаб қучга кирди.

Хужжатга асосан, «Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, Низомнинг «Энг охириги банклараро савдо сессиясида қайд этилган эркин ал-

масштириш курсидан, талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда кейинчалик ваколатли банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операциялар ўтказишда фойдаланилади», дейилган 19-банди ўз кучини йўқотди.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 18 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	3157,17	1 Канада доллари	3193,61	1 Норвегия кронаси	493,38	1 евро	4613,28
1 Англия фунт стерлинги	5295,64	1 Хитой юани	597,20	1 Польша злотийси	1102,21	10 Жанубий Корея вони	35,82
1 Дания кронаси	623,11	1 Кувайт динари	13350,31	1 Сингапур доллари	2951,57	10 Япония иенаси	358,98
1 БАА дирхами	1100,62	1 Россия рубли	67,51	1 СДР	5620,94	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.	
1 АҚШ доллари	4042,47	1 Украина гривнаси	155,37	1 Туркия лираси	1143,40		
1 Миср фунти	225,08	100 Ливан фунти	268,50	1 Швеция кронаси	486,18		
1 Исландия кронаси	39,04	1 Малайзия рингити	942,30	1 Швейцария франки	4191,70		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи: 1 USD ▲ 4042,47 – (4014,50) | 1 EUR ▲ 4613,28 – (4568,90) | 1 GBP ▲ 5295,64 – (5176,70) | 10 JPY ▲ 358,98 – (351,69)

Банкларга валютани бозор курсида харид қилиш ва сотишга рухсат берилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, Низомнинг «Биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар охириги банклараро савдо сессиясида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланди-ган эркин курс бўйича амалга оширилади», деб ёзилган 43-банди «Биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар ваколатли банклар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида бозор курси бўйича амалга оширилади», деб ўзгартирилди.

Қайд этиш жоизки, юқоридаги ўзгаришлар туфайли Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 260-сонли қарори ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.

Рейтинг истиқболи барқарор

«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг рейтинг баҳоларини тасдиқлади.

Унга кўра, банкнинг миллий валютадаги депозитлари рейтингини «В1», хорижий валютадаги депозитлари рейтингини «В2», барча рейтинглар истиқболи «Барқарор» деб баҳоланди.

«Moody's» агентлиги томонидан берилган ушбу рейтинглар банкнинг мамлакат иқтисодиётини ривож-

лантириш ва инвестиция салоҳиятини юксалтиришдаги ролини яна бир бор эътироф этди. Бунда агентлик экспертлари муассаса фаолиятини таҳлил қилиб, рейтингларни белгилашда банкнинг капиталлашув даражаси, унинг етарлилик ҳолати ҳамда даромади юқори даражада эканлигини қайд қилди.

Фаолият сарҳисоби

Жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 24,9 млрд. сўмга ортиб, 520,2 млрд. сўмни, соф активлари қолдиги 493,5 млрд. сўмга ўсиб, 5 909,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2344-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида банкдаги аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари қолдиги 911,8 млрд. сўмни ташкил этиб, таққосланаётган даврга нисбатан 17,6 фоизга ортди. Муассаса кредит қўйилмалари ҳажми эса 13,5 фоизга ошиб, 5 315,8 млрд. сўмга тенг бўлди.

Айтиш жоиз, жорий йилнинг ўтган даврида «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ фаолияти учун глобал рейтинг шкаласи бўйича берилган рейтинг баҳосини қайта тасдиқлаб, унинг барча рейтинглари истиқболлини «Барқарор», дея қайд этди.

Наргиз АХМЕДОВА.

Тижорат банклари учун таъминотсиз кредитлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига 3 ой муддатгача қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз миллий валютада таъминотсиз кредит ажратиши мумкин. Бунда фоиз ставкалари Марказий банк Бошқаруви томонидан кредитларнинг муддатидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.



Бундай тартиб «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомда қайд этилди.

Ҳужжатда айтилишича, қарз олувчи банкка ажратилган таъминотсиз кредитларнинг максимал миқдори қарз олувчи банкнинг миллий валютадаги ҳисобварақлар бўйича мажбуриятларининг қолдиқлари жами суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим, бундан васийлик ўрнатилган қарздор банклар мустаснодир.

Қарз олувчи банкка таъминотсиз кредит:

- мажбурий резерв талабларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;
- банк устав капитали белгиланган меъёр талабларидан кам бўлмаслиги;
- банк мажбуриятларининг банк активлари билан тўлиқ қопланганлиги;
- хавфли ва носоғлом банк амалиёти оширилмаётганлиги;
- омонатчиларнинг маблағлари бутлигига реал хавф мавжуд бўлмаслиги;
- охириги уч ой мобайнида Марказий банк томонидан ажратилган кредитлар бўйича асосий қарз ва унга

ҳисобланган фоизлардан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаганда ажратилади.

Таъминотсиз кредит олиш учун қарз олувчи банк Марказий банкка лаҳзали ликвидлилик коэффициенти бўйича Марказий банк томонидан белгиланган минимал талабдан паст эканлиги ёки кейинги банк иш кунида паст бўлиши кутилаётганлиги тўғрисидаги маълумот, шунингдек, молиявий аҳоли, ликвидлилик ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини кредит аризасига илова этиши лозим.

Мазкур режада кредит портфелини соғломлаштириш, хусусан, аввал берилган кредитлар ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлаш ва муаммоли кредитлар қолдигини, шунингдек, активлар ва пасивларнинг муддатлари ўртасидаги номуаносибликни кескин қисқартириш, банкнинг молиявий хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа зарур чора-тадбирлар акс эттирилмоғи лозим.

Қарздор тижорат банки таъминотсиз кредитдан фойдаланиш даврида:

- кредит қўйилмалари қолдигини кредит шартно-

маси имзоланган кундаги ҳолатга нисбатан оширмас;

– таъминотсиз кредитдан фойдаланиш даврида лаҳзали ликвидлилик коэффициенти кетма-кет уч марта белгиланган минимал талабдан камайиб кетишига йўл қўймас;

– молиявий аҳоли, шу жумладан, ликвидлилик ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режасини ижро этишда ижобий томонга сезиларли ўзгариш юзага келса, бу банкка кредитдан фойдаланиш даврида кредит ажратиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширишига йўл қўйлади.

Қарздор банк таъминотсиз кредитни муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтариши мумкин. Бунда таъминотсиз кредитлар бўйича фоизлар фақат кредитдан фойдаланиш даври учун ҳисобланади.

Марказий банк миқозларнинг тўлов ҳужжатлари ижросини узлуқсиз таъминлашда ва таъминотсиз кредитни қайтаришга доир ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган қарздор банкка нисбатан васийлик ўрнатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил август ойда олди ўқув юртларида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Ўқув курслари ўтказилиш муддати		
		7 августдан 12 августгача	14 августдан 19 августгача	21 августдан 26 августгача
1	Тижорат банкларининг ресурсларини бошқариш	ТМИ		
2	Банкларнинг валюта операциялари ва уларнинг ҳисобини юритиш			ТМИ
3	Тижорат банкларининг солиққа тортилиши ва уларнинг ҳисобини юритиш		ТМИ	
4	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бошқарувчилари учун кенгайтирилган ўқув машғулоти		БМА	
5	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бош ҳисобчилари учун кенгайтирилган ўқув машғулоти: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ва тажриба			БМА
6	Банкларнинг кредит операциялари	БМА		
7	Пластик карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз амалиётлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш			БМА
8	Мижозлар билан самарали ишлаш банк рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омил		ХМИРМ-ў	
9	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида халқаро ҳисобни юритиш		ТСМРИ	

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

«QQB-mobile» мобилъ иловасини таклиф этади.



ДАСТУР ЁРДАМИДА:

- ▶ Уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, Интернет провайдерлар ва рақамли телевидение хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;
- ▶ Барча турдаги коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни бажариш;
- ▶ «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ тизими ичида маблағларни бир пластик картадан бошқа картага ўтказиш;
- ▶ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси жарима тўловларини тўлаш мумкин.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Маълумот учун:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Миллий маҳсулотларимиз экспорти

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг юздан ортиқ хорижий ташкилот билан ўрнатган алоқалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришида катта роль ўйнамоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида қарийб 2 мингта корхона вакиллари билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг 1705 тасига экспорт масаласида ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Натижада 1 млрд. 565 млн. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланиб, ҳозиргача 330 дан кўпроқ тадбиркор 657 млн. долларлик экспортни амалга оширди. Ушбу даврда ўтган йилга нисбатан жамғарма кўмагидан фойдаланган тадбиркорлар сони 59 тага, экспорт ҳажми эса, 2 фоиз (13,3 млн. доллар)га ошган.

Жамғарма давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2507-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, қатор тадбиркорлик субъектларига экспорт олди молиявий хизматлар кўрсатди. Хусусан, ўтган 6 ой давомида ана шундай хизматлар ҳажми 3 млрд. 670 млн. сўмни ташкил этиб, уларнинг 3 млрд. 350 млн. сўми фоизсиз тартибда тақдим қилинди, 320 млн. сўми эса, халқаро кўргазмаларда тадбиркорлар иштирокчини ташкиллаштириш учун жалб қилинди. Пировардида, бизнес вакиллари томонидан 167 млн. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, ҳисобот даврида 11 млн. 183 минг долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Жумладан, Корея Республикасининг «Lotte» корхонаси билан Ўзбекистондаги «Бофанда» масъулияти чекланган жамияти ўртасида учрашув ташкил қилиниб, Жанубий Корея бозорига трикотаж маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 50 минг долларлик экспорт шартномаси имзоланди. Мазкур экспорт шартномаси талабларини бажариш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё харид қилиш мақсадида жамғарма «Бофанда» жамиятига 300 млн. сўм

миқдоридagi фоизсиз молиявий ёрдам берди.

Ушбу даврда жамғарма 270 тадбиркорга Германия, Россия, Қозоғистон ва Тожикистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишига ёрдам кўрсатди. Натижада 154,5 млн. долларлик экспорт келишувлари имзоланиб, 9,8 млн. долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди.

Чунончи, жорий йилнинг 22-23 март кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ташкил қилинган «Ўзбекистон миллий саноат ярмаркаси»да жамғарма томонидан юздан зиёд тадбиркорнинг маҳсулоти намойиш этилиб, тадбир якуни бўйича ушбу давлатга тўқимачилик, мева-сабзавот, мебель ва қурилиш материаллари етказиб бериш юзасидан 22 млн. долларлик жами 16 та экспорт битими имзоланди ва улар доирасида 858,3 минг долларлик экспорт амалга оширилди. 11-14 май кунлари ҳам яна шундай тадбир Чимкент шаҳрида ўтказилиб, унда жамғармининг 62 млн. сўмлик молиявий кўмагида 200 дан ортиқ тадбиркор ўз маҳсулотлари намуналари ҳамда тижорат таклифлари билан фаол қатнашди ва 18,6 млн. долларга тенг экспорт шартномалари имзоланди.

Туманларда экспортга кўмаклашиш мақсадида 85 агрофирма ташкил этилди. Йил якунига қадар мазкур агрофирмаларда йигирмага яқин лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда. Бу эса 1 минг 590 иш ўрни яратиш ва йилига 59 млн. доллардан ортиқ ҳўл ва қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортини амалга оширишда қўл келади. Экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида логистика марказлари ташкил этилмоқда. Айни вақтда Сурхондарёда ана шундай марказ ишга тушган бўлса, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

Кичик бизнесга банк кредитлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилда банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жами 1 трлн. 511 млрд. сўмлик кредит маблағларини жалб қилишни режалаштирган бўлиб, ўтган даврда соҳа субъектлари томонидан этилган лойиҳаларга 800,3 млрд. сўмлик сармоя ажратган ҳолда ушбу йўналишдаги хизматларини 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 122 фоизга оширди. Чунончи, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш йўналишига 240 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарилишини кучайтириш мақсадида 173 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 53 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 89 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенгайтиришга 16 млрд. сўм ҳажмида кредит маблағлари ажратилди.

— Жорий йилда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 июндаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3066-сонли Қарорига асосан банк устав капита-

ли қўшимча 100 млрд. сўмга тўлиқ шакллантирилди, — дейди «Агробанк» АТБ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Карим Исмаилов. — Бу, ўз навбатида, банкнинг иқтисодий тармоқларини молиялаш имкониятини янада кенгайтириб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий жабҳаларидаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда банкнинг инвестицион фаолияти хусусида сўз бориб, ҳисобот санасида банк кредит қўйилмалари жорий йил бошига нисбатан 132 фоизга ошиб, 5 трлн. 626 млрд. сўмни ташкил қилганлиги айтиб ўтилди. Ушбу маблағлар асосан саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва транспорт, моддий-техник таъминот ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларига йўналтирилиб, натижада 13,3 мингта яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Маълумки, «Агробанк» асосан аграр соҳадаги ҳўжалик субъектларининг моддий мададқори саналади. Қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттириш, кўп тармоқли фермер ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида муассаса ўтган 6 ойда 390 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағларини ажратди.



Жумладан, чорвачиликка 246,7 млрд. сўм, паррандачиликка 32 млрд. сўм, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга 4,3 млрд. сўм, ҳудудларда интенсив боғлар ва тоқзорларни барпо этиш учун 17 млрд. сўм, иссиқхоналарни ташкил этишга 57,1 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлашга 6,6 млрд. сўм, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 4,1 млрд. сўм ҳамда музлатгич сигимлар учун 2,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Назира МАВЛОНОВА.

Озиқ-овқат ва агросаноат жадал модернизацияланмоқда

2017-2021 йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, логистика ва экспорт қилиш инфратузилмасини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни молиялаштиришга тижорат банклари орқали Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва JICA каби халқаро молия институтларининг 650 млн. АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилган.

Республикаимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар экспортини ошириш чора-тадбирлари жадал давом эттирилмоқда. Ушбу йўналишда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, ишлаб чиқарилаётган давлат дастурлари тармоқни ҳар томонлама ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги «2016-2020 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари хомашё базасини, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2505-сонли ҳамда «2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этишни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2716-сонли Қарорлари доирасида 740,1 млн. доллар қийматига тенг 434 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-банди, яъни «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва

жадал ривожлантириш»га мувофиқ, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда 2017 йилда пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш ва бундай экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, 8,1 минг гектар картошка, 27,2 минг гектар сабзавот, 5,9 минг гектар интенсив боғ, 2,9 минг гектар тоқзор, 10,9 минг гектар озуқа экинлари ва 4 минг гектарга мойли экинлар жойлаштириш белгиланган.

– Мазкур ҳужжатлар асосида тасдиқланган дастурларда озиқ-овқат маҳсулотлари хомашё базасини, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш ва ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига тўлдириш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган, – дейди Иқтисодиёт вазирлиги Қайта ишлаш саноати ва озиқ-овқат бўлими бошлиги Шаҳобиддин Ортиқов. – Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш,



бирламчи қайта ишлаш ва экспорти билан шугулланувчи замонавий ускуналар билан жиҳозланган жами 310 минг тонна хомашёни қабул қилиш қувватига эга 11 та савдо-логистика марказлари ташкил этилмоқда. Булар мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмининг йиллик 340 минг тоннага, совуттичли сифимлар ҳажмининг 164,9 минг тоннага, тара-қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 32,4 млн. донага ошишига олиб келади. Натижада 2019 йилда республикада ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмига нисбатан қайта ишлашнинг улуши 24 фоизни ташкил этиб, 4,6 мингта янги иш ўрни яратилади. Аниқроқ айтганда, 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари хомашёсини ишлаб чиқариш ўртача 1,4 баравар-

га, жумладан, мева-сабзавот ва узум – 1,4 бараварга, гўшт – 1,3 бараварга, сут – 1,5 бараварга кўпаяди.

Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 2,3 бараварга, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 2 бараварга ошиши таъминланади.

Қайд этиш жоиз, бугунги кунда юртимизда 9 760 дан ортиқ озиқ-овқат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Йилига ўртача 1,74 млн. тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга бўлган 270 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, шунингдек, 479 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга совутиш камералари билан жиҳозланган 994 замонавий сифимлар самарали ишлаб турибди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

Енгил саноатдаги йирик лойиҳалар самараси

Мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида республикаимизда ишлаб чиқарилаётган умумий пахта толаси қайта ишлаш ҳажмини 1991 йилдаги 7 фоиздан 53 фоизга оширишга эришилди.

маҳсулотлар 660 млн. дона ва пайпоқ маҳсулотлари 132 млн. жуфтни ташкил этаётганлигини қайд этиш мумкин.

Соҳани ривожлантиришда асосий эътибор юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда инновацион техникаларни кенг жорий этишга, шунингдек, тармоқ учун ёш мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида замонавий илмий ва институционал базаларни яратишга қаратилган.

Республикаимиз раҳбарияти ташаббуси билан айни кунларда Жанубий Корея давлатининг 15 млн. доллар қийматдаги кўмаги билан «Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида Ўзбекистон – Корея ўқув-амалий тўқимачилик Технопарки» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг мақсади – республика тўқимачилик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган илғор технологияларни жорий этиш, тўқимачилик соҳасида истиқболли техно-

логик йўналишларни ривожлантириш, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, газлама ва кийимларда янги дизайн яратиш, бўяш ва безак бериш, материалшунослик соҳаларида тадқиқот ишларини олиб бориш ва технологик «ноу-хау»ларни йўналтириш, инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат учун мутахассислар ва экспертлар тайёрлашдан иборат. Бугунги кунда курилиш ишлари олиб борилаётган ушбу Технопарк 2018 йилнинг сентябрь ойида фаолият бошлаши режалаштирилган.

Шунингдек, ташки бозорга харидоригр тайёр маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида сунъий тўқимачилик хомашёси (синтетик иппар ва аралаш газлама)лар) аралаштирилган ишлаб чиқаришлар жадал суръатларда бошланди. Ушбу лойиҳалар Бухоро,

Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида амалга оширилади.

Шу билан бирга, республика худудларини бирдек ривожлантириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан пахта толасини етиштириш ва қайта ишлашдан то юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаргунгача бўлган барча жараённи ўз ичига олувчи тўқимачилик кластерлари барпо этиш бўйича қарор қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу лойиҳаларни Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Андижон вилоятларида амалга ошириш учун аниқ инвесторлар белгилаб олинган.

Енгил саноат корхоналари фаолиятини янада кучайтириш мақсадида эса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва уларнинг экспортини ошириш, тармоқда янгича бошқарув ва ишлаб чиқариш усулларини жорий этишга

йўналтирилган комплекс ва зифалар белгиланган.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарори доирасида «2017-2019 йилларда республикада енгил саноатни ривожлантириш дастури» амалга оширилмоқда. Унга асосан 132 та инвестицион лойиҳанинг ишга туширилиши кўзда тутилган. Дастурнинг умумий сармоявий қиймати 2,2 млрд. долларни ташкил этиб, улар Наманган (3 та лойиҳа), Сурхондарё (2 та лойиҳа), Қорақолпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм (1 та лойиҳадан) вилоятларида ишга туширилди.

Бундан ташқари, умумий қиймати 600 млн. доллардан зиёдни ташкил этадиган 58 дан ортиқ қўшимча лойиҳалар аниқланди.

Мухтасар қилиб айтганда, юқоридаги белгиланган барча вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш Ўзбекистон енгил саноат соҳасида экспорт ҳажмини 2 бараварга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини 3,7 бараварга ошириш, қишлоқ жойлар ва умуман республиканинг бандлигини таъминлашга талаб юқори бўлган худудларида қўшимча 27 мингта янги иш ўрнини яратиш имконини беради.

Ширин БАЙСЕНОВА ёзиб олди.

Тармоқнинг бугунги салоҳияти билан боғлиқ шу ва бошқа маълумотлар хусусида «Ўзбекистон саноат» акциядорлик жамияти Инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси бошлиги Шохруҳ Раҳимов куйидагиларни сўзлаб берди:

– Бугунги кунда жамият таркибида 450 дан зиёд тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналари бўлиб, уларнинг 30 фоизидан ортиғи хорижий капитал иштирокида ташкил этилган.

Соҳадаги улкан ўзгариш ва ютуқлар йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юзага келаётгани сир эмас. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида енгил саноатга 2,5 млрд. АҚШ долларидан ортиқ инвестициялар жалб қилиниб, 300 дан зиёд инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинди.

Тармоқ корхоналари дунёдаги етакчи корпорацияларнинг замонавий технологик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръати хусусида тўхталиб, йиллик ип-кавала ишлаб чиқариш ҳажми 590 минг тоннадан зиёдни, ип-газлама ишлаб чиқариш 485 млн. кв.м.ни, трикотаж матолари 103 минг тонна, тайёр

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда аёл тадбиркорларга тезкор молиявий хизмат кўрсатиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларини қисқа муддатда кўриб чиқувчи махсус ишчи гуруҳ тузилди. «Ишонч телефони» фаолияти кучайтирилди. Ҳозирда мижозлар тизимнинг расмий веб-сайти орқали ҳам мурожаат қилиш имконига эгалар.

Учрашууда «Тадбиркор аёл» ассоциацияси раиси Гулнора Махмудова аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ислохотлардаги фаоллигини ошириш ҳақида сўз юритди.

— Бу энг аввало, оналик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, аёллар турмуш тарзи-яхшиланиш ишларини кучайтиришни ўз ичига олади, — дейди Г.Махмудова. — Биз меҳнат ҳуқуқи ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ўқув семинарларини ўтказамиз. Тижорат банклари, Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси ва бошқа тасадди ташкилотлар билан энг яхши бизнес-ғояларни саралашга бағишланган танловлар ташкил қиламиз.

«Тадбиркор аёл» ассоциацияси ҳамда Марказий банк ҳамкорлигининг йўлга қўйилганлиги самараси ўларок, тадбиркор аёллар учун республикамиз банклари томонидан имтиёзли кредит линиялари очилган. Ассоциация Акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг ҳудудий филиаллари билан ҳамкорликда ҳар бир вилоятда «Фаровон ҳаёт қўлимизда» ва «Тадбиркор аёл: оилавий бизнес равнақи» номли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, Самарқанд, Наманган, Жиззах, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё каби вилоятларда лойиҳалар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга оширишда дастлаб банк мутахассислари тадбиркорлик билан шугулланишни истаган хотин-қизлар ва ишсиз аёлларнинг бизнесни йўлга қўйишида ҳуқуқий-иқтисодий асослар, бизнес-режа тузиш, банк кредитларидан фойдаланиш, соҳага доир солиқ ва боғхона имтиёзлари юзасидан билим ва кўникмаларини оширишмоқдалар. Бугунги кунгача 300 дан ортиқ хотин-қизлар ушбу лойиҳа асосида тадбиркорликнинг бошланғич сир-асорлари билан танишдилар.

«Тадбиркор аёл» ассоциацияси ва «Микрокредитбанк» Бошқарув кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик битимига мувофиқ, 2016 йилнинг ўзига 1 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Аёллар учун берилган имтиёзли кредитлар 2015 йилда 1 млрд. 560 млн. сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 131,2 фоизга ўсиб, қарийб 1 млрд. 647 млн. сўмни ташкил этди. 1000 дан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди.

Пойтахтимизда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси иштирокида «Ватан равнақига ҳисса қўшамиз» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, бу борада ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда банк кредитларидан самарали фойдаланиш усуллари ҳусусида сўз борди.



Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан жорий йилда юртимиз тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 1 трлн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 1 трлн. 2 млрд. сўм ҳажмида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ассоциациянинг жорий йил биринчи ярмидаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун Қорақалпоғистон Республикасида тижорат банкларининг 1,3 млрд. сўмдан зиёд ва Хоразм вилоятида 712,5 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит маблағлари ажратилганлигини қайд этиш мумкин. Бу кўрсаткич Тошкент вилояти бўйича 2,6 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этди. Республика-миз бўйича эса, тадбиркор хотин-қизларимиз ўтган олти ой мобайнида жами 7 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги кредит маблағларига эга бўлишди.

Жорий йилдаги сазй-ҳаракатларимиз мамлакатимизнинг энг чекка туманларида истиқомат қилаётган аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Хусусан, турли вазирлик ва идораларнинг қўллаб-қувватлаши остида «Узун, Олот, Деҳқонobod, Нурота, Қўшқўпир, Косон, Қўрғонтепа, Пахтакор туманларидан меҳнат фаоллиги паст бўлган хотин-қизларга «Устоз – шогирд» йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш ва ижтимоий ёндашган ҳолда иш жойига моллашувчанлик ва бандлигини таъминлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа якунида юқорида номлари

қайд этилган туманларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бўлмиш 1000 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади, туманлардаги 250 нафар аёл тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяди. 600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Муҳими, аёлларни қайта касбга тайёрлаш жараёнида уларга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш сир-асорлари ҳам ўргатиб борилади.

Бундан ташқари, ассоциация 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида белгиланган вазифаларга мувофиқ, жорий йилда 345 мингта доимий иш ўринларини яратишни кўзда тутган. Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали эса, нодавлат секторда 97 мингта иш ўрни ташкил этишни режалаштирган. Ҳозирда ассоциациянинг вилоят бўлимлари ташаббускорлигида Наманган вилоятида 100 га яқин, Фарғона вилоятида 56 та, Тошкент вилоятида 154 та, республикамиз бўйлаб жами 1500 та иш ўрни ташкил этилган.

Шунингдек, жорий йилда муассасамиз касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизларининг 10 мингдан зиёдини тадбиркорликка жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўтган олти ой мобайнида ассоциация ходимлари томонидан юртимиздаги коллежни битирган 3500 нафарга яқин қизга бизнес асослари, тикувчилик, хусусий тадбиркорликнинг бошқа йўналишлари бўйича семинар-тренинглар ўтказилди. Улардан 500 нафари ишга жойлаштирилган бўлса, яна 100 нафардан ортиги ўз бизнес фаолиятларини бошлашга муваффақ бўлишди.

МАЪЛУМОТ

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси 1991 йилда ташкил топган бўлиб, аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳимоялаш, уларнинг тадбиркорлик ва жамоат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий, таълим ва ахборот ресурсларидан фойдаланишини таъминлашга кўмаклашиб келмоқда. Шунингдек, ташкилот аёлларнинг бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида иштирок этиши учун қулай шароитлар яратмоқда, ўзаро ишонч ва ишбилармонлик ҳамкорлиги иқлимни мустаҳкамлаб, инновация таълим дастурларини жорий этиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш йўли билан улар меҳнатининг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларини яхшилашнинг институционал юридик механизмларини шакллантирмоқда. Ассоциациянинг айна пайтда ташкилий тузилмаси Тошкент шаҳридаги марказий офисидан ташқари 14 та вилоят, 68 та шаҳар ва туман бўлимларидан ташкил топган.

Ўтган давр мобайнида ташкилот аъзоларининг амалга оширган лойиҳалари асосида 130 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. 14 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар бизнес асослари бўйича ўқитилди. 9 мингдан зиёд вақтинча ишсиз бўлган аёллар меҳнат бозорига талабгир бўлган касб-ҳунарларга йўналтирилди. Ёшларни иш билан таъминлаш борасида касб-ҳунар коллежларининг битирувчи қизларни учун бизнесга доир илк сабоқ ва кўникмалар берилди. Ўтган йил якунлари бўйича коллеж битирувчиларидан 491 нафари ишга жойлаштирилди. 45 нафар аёл ўз бизнесига эга бўлди. Ҳар бир вилоятда 120 тадан тўрт йўналишда республика бўйича 60 минг нафардан ортиқ хотин-қиз янги касб-ҳунарга йўналтирилди.

«Минтақада ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг ташкилий-иқтисодий омиллари ва муаммолари», «Бизнес старт» (коллеж битирувчилари учун), «Бизнес-режа тузишни биласизми?», «Хусусий тадбиркорлик сирлари», «Бизнес сабоқлари», «Имкониятлардан оқилона фойдаланайлик», «Ўз бизнесингизни бошланг», «Кичик ва оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш», «Оилавий тадбиркор бўлишни хоҳлайсизми?», «Бичиш-тикиш бўйича ўқув дарслиги», «Пазандалик бўйича ўқув қўлланмалари, китоб ва дастурлари ишлаб чиқилиб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган 10 мингдан зиёд хотин-қизларга бепул тарқатилди.

Эъзоз КАМОЛОВА тайёрлади.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Ички истеъмол бозоридаги нархлар барқарорлаштирилади

Президентимизнинг 2017 йил 23 июнда ПҚ-3082-сонли «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида» қарори имзоланди.

лантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма банк кредитлари бўйича фойзаларни тўлашга бўлган харажатларнинг бир қисмини компенсация қилади ҳамда улар бўйича кафолатларни тақдим этади. Бу саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳаларга, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларига дахл қилади.

Нарх шакллантиришдаги қонунбузарликларга қарши Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент курашади
Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти га қўшимча вазибалар юкланди:

- ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига (юртимизда ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи ва ун, гўшт, шакар), шунингдек, шелуха ва шротга бўлган нарх-навои сунъий оширишга, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабнинг вужудга келишига йўналтирилган қонунига хилоф ҳаракатларни аниқлаш ва чек қўйиш;
- марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасини харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суистеъмол қилинишлар ва коррупцияга қарши курашиш;
- ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига, шунингдек, шелуха ва шротни сотишда нарх-навои шакллантиришнинг белгиланган механизmlарига риоя этилишини тизимли ўрганиш, аниқланган қонунчилик бузилишлари бўйича материалларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ваколатли органларга йўналтириши;
- назорат қилувчи органлар ва бозорлар маъмурияти ходимлари томонидан йўл қўйилган коррупция, улар томонидан бозорлар фаолиятини ташкил этишнинг белгиланган тартиблари ва қонун ҳужжатлари талаблари риоя этмаслик, шу жумладан, нархларни асоссиз кўтариш, уларнинг худудларида ўз фаолиятини норасмий олиб бораётган шахсларга нисбатан чоралар кўрмаслик ҳолатларини аниқлаш.

Бу муҳим! Департамент, уларнинг мулкдорлиги шаклидан қатъи назар, юридик шахслардан ва фуқаролардан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, шелуха ва шротга бўлган нархларнинг оширилиши, нарх-навои манипуляция қилиш, танқислик ва уларга ажиотаж талабни сунъий вужудга келтириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суистеъмол қилинишлар ва коррупцияга қарши курашиш ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Бунда Департамент томонидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасига бўлган нархларни ошириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суистеъмол қилинишлар ва коррупция ҳолатларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув чора-тадбирларини олиб бориш, молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳисобланмайди ҳамда бунда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг махсус рухсати талаб этилмайди.

Департамент томонидан олиб борилган тезкор-қидирув чора-тадбирлари натижалари, хусусан, таҳлилий материаллар, текширув харидлари ёки назорат харишлари натижалари бўйича олинган товар ёки касса чеklangи, шунингдек, қонун бузилишини тасдиқловчи чекларни бермаслик ҳолатларини аниқлаш, кейинчилик қонунбузарлиқнинг кенг миқёсини, нархларни ошириш усуллари ва механизмларини аниқлаш учун зарур ҳолларда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг махсус рухсати талаб этилмаган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун асос ҳисобланади.

Аҳоли дори-дармонлар ва ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат билан таъминланади

Молия вазирлиги бюджетдан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари ва тиббиётга мўлжалланган буюмларни харид қилишга йил охиригача 70 млн. доллар ажратади. Аввало бу оилавий поликлиникалар, шошилинч ва тез тиббий ёрдам муассасаларига дахл қилади.

Шунингдек, Ички истеъмол бозорида нарх-навои барқарорлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси (юрidik шахс мақомисиз) ташкил этилди. Бошланишида Молия вазирлиги 100 млн. доллар эквивалентидagi маблағларни Жамғармага топширади. Пуллар ички бозордаги озиқ-овқат товарларига бўлган талаб ва таклифларнинг мавсумий ва жадал тебранишларини силлиқлаштиришга йўналтирилади. Бу, биринчи навбатда, гўшт, ўсимлик ва ҳайвон ёғи, ғалла, ун, картошка, сабзи, бошпиез, шунингдек, бошқа муҳим ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига дахл қилади.

Жамғарма маблағларини Бош вазир А.Н.Арипов бошчилигида Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навои мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси тасарруф этади.

Республика комиссияси қарорларига биноан Вазирлар Маҳкамаси Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда қисқа мuddатларда танлов асосида ички бозорда етишмаётган муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг харид қилинишини (шу жумладан, импорт бўйича) ташкил этади. Маҳсулотлар махсус савдо шохобчаларида сотилади.

Бунинг учун белгиланган тартиб-

да тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Жамғарма ҳисобидан импорт қилинадиган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари 2018 йилнинг 1 апрелигача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилди.

Бундан ташқари, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой мuddатда:

- республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёки етарли ҳажмларда ишлаб чиқарилмайдиган ички истеъмол бозорида талабгор бўлган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларини;
- республикада ишлаб чиқариш қувватларини етарли даражада фаолият юритишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, қорамолчилик тармоқларининг эҳтиёжларини тўлақонли ва сифатли қондириш мақсадида ем-хашак ишлаб чиқариш учун ғалла, уруғлик материаллар ва бошқа хомашё ресурсларини импорт қилишда божхона ставкаларини камайитириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш топширилди.

Ўқиш учун шартномалар баҳоси оширилмайди
Ҳужжатда 2017/2018 ўқув йилларида тўлов-шартнома асосида олий таълим муассасаларида ўқиш (бакалаврият, магистратура) баҳоси 2016/2017 ўқув йиллари даражасида сақланиб қолиниши алоҳида шарт қилиб келтирилган.

Тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш имконияти ошади
Тадбиркорлик фаолиятини ривож-

Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг асосий фаолият йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июнда 415-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Қўмитанинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари:

- ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, инвестиция мухитини такомиллаштириш, чет эл капитални иштирокини қўллаб-қувватлаш;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун шароитларни яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурларини шакллантириш-

да қатнашиш, келишиш ва мониторингини амалга ошириш;

- чет давлатлар, хорижий банклар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестициявий ҳамкорликни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- халқаро шартномаларни тайёрлашда, келишишда ва имзолашда белгиланган тартибда иштирок этиш;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия институтларидан жалб қилинаётган кредит ресурслари ва техник қўмаклашиш воситалари (грантлар), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш бўйича

тавсиялар ишлаб чиқиш;

- халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш;
 - технологик жиҳозлар хариди бўйича тендер (танлов) савдоларида қатнашиш;
 - харид қилинаётган жиҳозлар, техника ва технологиялар нарх параметрлари борасида импорт контрактларни экспертизадан ўтказиш;
 - лойиҳа институтлари фаолиятини лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида мувофиқлаштириш.
- Қўмимага Бош вазир тақдимига биноан Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади.

Қўмигада Қўмига раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қўмига ҳузурида инвестиция соҳаси, илмий-техник доиралардаги, ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги маҳаллий ва хорижий экспертлардан иборат маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Маслаҳат кенгашининг қарорлари тавсия тусида бўлади.

Қўмигада ишлаш учун Қўмига Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда хорижий компаниялар ва мутахассисларни жалб этиши мумкин.



Энг кўп қалбаки пуллар Францияда

Еврохудуд мамлакатларидан топилган жами қалбаки пулларнинг учдан бир қисми Францияга тегишли. Мамлакат Миллий полициясининг қалбаки пуллар айланмаси билан курашиш бўйича Бош бошқармаси (OCRFM) берган маълумотларга таяниб ёзган «Le Figaro» наشري бу кўрсаткич еврохудуд мамлакатлари орасидаги энг катта кўрсаткич эканини маълум қилди.



2015-2016 йилларда қалбаки евро банкнотаси айланмасининг 34 фоизи Францияда топилган, дейди мамлакат полицияси. Статистик маълумотларга кўра, энг кўп қалбакилашрилган банкноталар 20 ва 50 еврога тенг. Полиция ҳисобига биноан, уларнинг улуши жами топилган қалбаки пулларнинг 87 фоизини ташкил қилган.

Умуман олганда, ҳисобот даврида Францияда қалбаки банкноталарнинг ҳажми 35 фоиз қисқарган, Европа бўйича эса бу кўрсаткич чорак қисмга камайган. OCRFM башоратида кўра, камайиш тенденцияси 2017 йилда ҳам давом этади. Бунга юқори даражадаги ҳимоя қатламига эга янги 50 евролик купюранинг муомалага чиқарилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Грецияда фавқулодда бюджет тақчиллиги барҳам топмоқда

Европа комиссияси Кенгашга иқтисодиётни мустахкамлаш мақсадига эришилгани туфайли Грецияда бюджет тақчиллигини бартароф этиш амалиётини яқунлашни тавсия этмоқда.

Банки.ру мухбирига берилган интервьюдан маълум бўлишича, Кенгаш Европа комиссияси тавсиясига амал қилади. Модомики, бунинг учун фавқулодда тақчиллик амалиёти доирасида ЕИнинг Франция, Испания ва Бирлашган Қироллик сингари давлатлари иштирок этиши талаб қилинди. Молиявий инқироз даврида, 2011 йилда бундай давлатларнинг сони 24 тани ташкил этган.

Европа комиссиясининг расмий баёнотида кўра, Греция молиявий барқарорлик сари қилинган ҳаракатлардан салмоқли натижаларга эриша олди. Ҳукумат баланси умумий ҳисобда яхшиланди. 2009 йилда ҳукумат маблағи 15,1 фоиз миқдоридоги тақчилликка эга бўлган

бўлса, 2016 йил 0,7 фоизлик профицит билан яқунланди. Албатта, бу кўрсаткич барқарорлик ва ўсиш пактида белгиланган 3 фоизлик мақсадли чегарага нисбатан паст.

ЕК томонидан баҳорда тайёрланган макроиқтисодий башоратга кўра, Грециядаги ижобий молиявий натижалар узоқ муддатлидир. Ёрдам кўрсатиш дастури доирасида амалга оширилган фискал чора-тадбирлар 2018 йилга қадар ЯИМнинг 4,5 фоизи тежаллишига сабаб бўлиши мумкин.

Греция 2009 йилдан буён бюджет маблағлари бўйича фавқулодда тақчиллики бартароф этишга ҳаракат қилмоқда. Комиссия мақсадли натижага эришиш муддатини бир неча бор узайтирган.

Visa нақдсиз тўлов тизимини ривожлантириш ниятида

Visa халқаро тўлов тизими АҚШдаги ресторон ва қаҳвахоналарда меҳнат қилаётган 50 нафар ишчига 10 миң АҚШ долларидан тўла беришини маълум қилди.

Умумий овқатланиш нуқталари дастуридан ўрин эгаллаган мулкдорлар бу пулларга банк карталари ёки мобил телефон орқали тўловни қабул қила олиш имкониятига эга янги терминалларни харид қилиши мумкин. Бунинг учун улардан миқозларга нақд пулларда хизмат кўрсатишдан бош тортиш талаб этилади.

«Биз, Visaдагилар сиз исталган жойга бориб, ҳеч қандай тўқинликларсиз, яъни банк карталари, телефон ёки бошқа турдаги мослама ёрдамида тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлишингизни хоҳлаймиз», — деди компаниянинг глобал савдо қарорлари дастури раҳбари Жек Форрестел.

Унинг таъкидлашича, 2021 йилга бориб инсониятнинг 70 фоизи ёки тахминан 5 млрд. киши Интернет тармоғига мобил мосламалар ёрдамида улашиш имконига эга бўлади. Уша вақтларга қадар Visa сотувчи ва харидорларга «нақдсиз» тўловнинг афзалликларини сингдириш ниятида.

Visa томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, биргина Нью-Йоркда нақд пулдан фойдаланишдан воз кечилиб, электрон тўлов тизимини тўла татбиқ этган бир компания ўзининг йиллик даромадини 6,8 млрд. АҚШ долларига орттира олади ва бу билан тахминан 186 млн. иш соатини қисқартиради.

2017 йил январда Visa халқаро тўлов тизими Россия ҳукуматининг нақд пулсиз тўловлар ҳажмини ошириш бўйича режаларини тўла қўллаб-қувватлаган эди. Компаниянинг таъкидлашича, нақд пулларнинг ўрнини босувчи тизимни самарали жорий этиш иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Мутахассислар ҳисобига кўра, нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалиётлари, хусусан, кредит, дебет ва олдиндан тўланган карталардан самарали фойдаланиш 2011 йилдан 2015 йилга қадар Россия ЯИМ даражасининг 25,93 млрд. АҚШ долларига кўпайишига сабаб бўлган.

Канадада 7 йилда илк марта фоиз ставка оширилди

Канада Марказий банки базавий фоиз ставкасини 0,25 фоиздан 0,75 фоизга оширишини маълум қилди. Шу кунга қадар ушбу давлатда фоиз ставкалари сўнгги марта 2010 йилнинг сентябрида ўзгарганди. Канада Марказий банки баёнотида таъкидланишича, МБ ставкаларини чорак фоизга ошириш орқали иқтисодиётда «монетар рағбатлантиришнинг муайян қисмини чеклаш»га қарор қилган.



«Бошқарув кенгаши фикрига кўра, жорий шароит ва тенденциялардан келиб чиқиб инфляция бўйича узоқ истиқбол ва иқтисодий ўсиш суръатларига баҳо берилиши натижасида иқтисодиётда монетар рағбатларни қисқартиришга эҳтиёж туғилди. Фоиз ставкасининг мақсадли даражаси кейинчалик ноаниқлик ва молиявий тизимга қарамлик ҳолати сақланиб қолган тақдирда яна ўзгариши мумкин», — дейилади баёнотда.

Канада Марказий банки башоратни янгиллаб, мамлакатнинг 2017 йилдаги ЯИМ кўрсаткичи 2,6 фоиз эмас, 2,8 фоизга ўсишини қайд этган. Айни пайтда банк истиқболда ЯИМ ўсиш суръати 2018 йилда 2 фоиз, 2019 йилда эса

1,6 фоиз қисқаришини тахмин қилмоқда.

Канада банки томонидан фоиз ставкаларининг оширилиши ҳисобига муассаса монетар сиёсатни кескинлаштириш доирасида деярли АҚШ ФЭТга бирлашиш имконига эга бўлди. Таъкидлаш лозим, Канадада фоиз ставкалари молиявий инқироз ва нефть маҳсулотларига бўлган нархларнинг арзонлашишдан сўнг иқтисодиётни босқичма-босқич тиклаш доирасида амалга оширилган ислохотлардан кейин белгиланган фоиз ставкасининг энг паст кўрсаткичи ҳисобланади.

Қарийб 7 йил фоиз ставкаларининг 0,5 фоиз даражасида сақланиб келиши Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг узоқ муддат саналади.



ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Банкда ижодий учрашув

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.



Самимий ва ҳазил-мутойибага бой тарзда ўтган суҳбатда адиб ижоди, фаолиятига доир маълумотлар барча қатнашчилар диққатини тортди.

Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти директори Қобилжон Жўраевнинг «Тоҳир ака, кўпчиликка аён: сизнинг ижодингизда фантастика жанри етакчи ўрин тутади. Детективга ўтишингиз, «Шайтанат» асари ёзилишининг сабаби нимада? Асарининг бу қадар шуҳрат қозонишини муаллиф сифатида қандай изохлаган бўлар эдингиз?» деган саволига Тоҳир Малик «Шайтанат» асарининг яратилиш тарихи ва ундаги образлар ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот берди.

– Биз бугунги учрашувдан катта таассурот

олдик, – дейди **Банкнинг Ахборот хизмати ходими Сайёра Умарова.** – Чунки ёзувчилар, умуман ижодкорлар билан бўладиган ҳар бир учрашув шундай қизиқарли ва самимий кечади. Ёзувчининг бугун тилга олинган асарлари кишини бир нарсага, яъни ҳаётда яхшилик уругини сепишга, ўтмишимизни ўрганишга, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини оширишга ва албатта, банк ходимларининг адабиётга бўлган қизиқишини оширишга чорлайди.

Учрашув сўнггида «Трастбанк» ХАБ жамоаси номидан ёзувчи Тоҳир Маликка миннатдорлик изҳор қилиниб, банк раҳбариятининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Бекзод АКРОМОВ.

Тезюрар электропоезд Шахрисабзга қадар боради

«Қарши – Китоб» темир йўл тармоғи электрлаштирилиб, тезюрар йўловчи поездларининг ҳаракати ташкил этилади. 2017–2018 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа қиймати 58,87 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг.

Лойиҳа «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 18,58 млн. доллар, «Ўзбекэнерго» АЖнинг 7,31 млн. доллар эквивалентига тенг маблағлари, 2018 йилги давлат бюджетидан 50 млрд. сўм (14,06 млн. доллар эквиваленти) миқдоридидаги марказлаштирилган инвестиция маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 18,92 млн. доллар миқдоридидаги кредити ҳисобидан молиялаштирилади.

Лойиҳа иштирокчилари 2019 йил 1 январига қадар божхона ва солиқ имтиёзларига эга бўлди.

2012-2015 йилларда Самарқанддан Қаршигача темир йўлни электрлаштириш лойиҳаси амалга оширилиб, «Тошкент – Самарқанд – Қарши» йўналишида «Afrosiyob» поезди ҳаракатланиши бошлаган эди.

«Туркистон-пресс» НАА.

ТИФ Миллий банкининг маънавий-маданий жабҳадаги роли

Хусусан, муассаса ўз негизда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясини ташкил қилиб, санъат асарларини сақлаш ҳамда кенг кўргазмали фаолият олиб бориш орқали жамоатчиликни юртимизнинг бой маданияти ва тасвирий санъати билан таништиришга шарт-шароитлар яратди.

Галерея концепцияси Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ва унинг замонавий тенденцияларини ўрганиш ва ташвиқот қилиш ҳамда уни умумжаҳон тасвирий ва маданий жараёнларига интеграциялашга йўналтирилган. Бунда галерея фаолияти Ўзбекистон рассомлари ижодий кўргазмаларини ташкил этишда ўзига хос муҳим роль ўйнайди. Санъатда новаторлик тенденциясини ривожлантириш ва ўз маблағларини топиш учун галерея фаолиятини ифодаловчи қатор шахсий кўргазмалар ташкиллаштирилди. Улар орасида санъатнинг турли йўналишларида ижод қилувчи Дилмурод Йўлдошев, Лана Лим, Елена Ли, Виктор Соседов, Жавлон Умарбеков, Искра Шин бор.

Ўзбекистоннинг ҳунар-

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки етакчи молиявий институт бўлибгина қолмай, балки ўз фаолиятида мамлакатнинг маънавий ва маданий-тарихий ҳаётига, унинг бадий мулкни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш, ёш авлодни тарбиялаш ва шакллантиришга катта эътибор қаратувчи ташкилот ҳамдир.



мандчилик аъёнларини кўллаб-қувватлаш ва тарғиб этиш учун галерея 2016 йилда «Ўзбекистон керамикаси. Аъёнлар химоячиси» номли кўргазмани намойиш этди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ижод қилувчи керамик усталар сулоласининг ишлари кенг омма эътиборига ҳавола этилди. Кўргазмада ҳар бир устанинг муайян мактаб аъёнларини

давомчиси сифатидаги индивидуал услублари яққол кўзга ташланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги байрами муносабати билан «Менинг азиз юртим» номли кўргазма ташкил қилинди. Унда Дилмурод Йўлдошев, Абдуҳаким Каримов, Дилором Мамедова, Рустам Жамоловнинг ижодий ишлари тақдим этилди.

Галерея фаолиятининг

яна бир йўналиши – ҳамюртларимизни хорижий тасвирий санъат вакилларининг ижодий ишлари билан таништиришдан иборат бўлиб, бу, ўз навбатида, маҳаллий ижодкорларга жаҳоннинг етакчи давлатларида рассомчиликнинг ривожланиш тенденцияларидан доимий равишда бохабар бўлиб бориш имконини ҳам бермоқда.

Галерея ўз фаолиятида томошабинлар аудиториясини кўп қиррали санъат ибораси, ранг-баранг санъат кўриниши, хилма-хил бунёдкорлик жараёнининг ўзгариши билан таништириш позициясини ушлаб туради. Мазкур йўналишда 2016 йилда Дамир Рўзиев ва Боёт Мухторнинг ижодий иши намойиш қилинди.

Кейинги йилларда театр рассомлари асарларини намойиш қилиш аъёнага айланди. 2016 йилда бу борада

Вениамин Акудин ва Шуҳрат Абдумаликовнинг шахсий кўргазмалари ўрин олди.

Галереяда болалар ижодини кўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва тарғиб этишни мақсад қилган «Катта муваффақиятнинг бошланиши» номли болалар ижод студияси ҳам ишлаб турибди. Студия қатнашчилари халқро танловлар ва болалар расмлари кўргазмалари лауреатлари саналади.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири замонавий босқичда ТИФ Миллий банки коллекцияларини тўлдиритдан иборатдир. 2016 йилда банк коллекцияси 439 та рангташвир, графика, ҳайкалтарошлик ва 19 та тарихий монет билан бойитилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам галереяда шахсий кўргазмалар фаол равишда ташкил этилди. Улар Александр Ли, Акбар Ҳакимов, Оксана Залевская, Улаш Ҳороков каби рассомлар ижодига бағишланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

<p>БАНК АХБОРОТНОМАСИ</p> <p>АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА</p> <p>ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки</p> <p>«Norma Bank» МЧЖ</p> <p>«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ</p>	<p>БОШ МУҲАРРИР</p> <p>А.Н. НАЗАРОВ</p> <p>Нашр учун масъул</p> <p>З.М. ЭРНАЗАРОВА</p> <p>ЧОП ЭТИШГА ТАЙЕРЛОВЧИ</p> <p>«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ</p> <p>ДИРЕКТОР в.б.</p> <p>Е.Ю. СМОЛИН</p> <p>Газета таҳририятининг техник ускуналарида саҳифаланди.</p>	<p>АХБОРОТ КУМАГИ</p> <p>ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА</p> <p>ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:</p> <p>100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 23-уй. e-mail: info@banknews.uz, www.banknews.uz</p> <p>Реклама ва эълонлар учун 232-45-32 телефони орқали мурожаат қилинг. Факс: 232-43-98.</p> <p>Юридик шахслар учун нашр индекси – 102. Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.</p>	<p>Таҳририятнинг фақат ёзма розилиғи билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Кўлғазмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.</p> <p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.</p> <p>Буюртма № 1053. Адади 4869 нусха.</p> <p>Нархи шартнома асосида.</p> <p>Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.</p> <p>Босишга рухсат этилди: 19.07.2017 й. 9.00.</p>
--	---	---	---